**«Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма компанияси» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартиби бўйича овоз бериш натижалари**

**Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107**
**Йиғилиш санаси 2021 йил 30 июн, Соат: $16^{00}$**

**1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *«Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин: • Қодиров Ойбек Ботирович; • Алибоев Абдулазиз Абдужаббор ўғли; • Ваҳобов Анвар Абдуманнон ўғли.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**2. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *««Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**3. Жамият фаолиятининг 2020 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**4. Жамият фаолиятининг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *«1.«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ бошқарувининг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. 2. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ 2020 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин. 3. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖнинг асосий воситалар ва товар-моддий қийматликлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича амалга оширилган молия хўжалик фаолиятини 2018 йил 01 майдан 2021 йил 01 май ҳолатига инвентаризациядан ўтказиш бўйича Комиссия тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**5. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *«1.«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖда Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин. 2. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**6. Аввалги йилларда соф фойда тақсимотидан Жамият устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган маблағларни Жамият зарарларини қоплашга йўналтириш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *«1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ нинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича 12.543.851.342,18 сўм зарар мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин. 2. 2018 йил соф фойда тақсимотидан Жамият устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган маблағ – 841.287.541,90 сўм, 2020 йил якуни бўйича кўрилган зарарни қоплашга йўналтирилсин. 3. 2019 йил соф фойда тақсимотидан Жамият устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган маблағ – 1.810.251.380,00 сўм, 2020 йил якуни бўйича кўрилган зарарни қоплашга йўналтирилсин. 4. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ бошқарувига 2021 йил бизнес – режаси кўрсаткичларини бажарилиши таъминлансин.»*

**ЁҚЛАЙМАН – 3 531 308 та овоз, 97,32%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 97 292 та овоз, 2,68%.**

**7. Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *««Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ нинг 2021 йил учун бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**8. Жамият ташкилий тузилмаси янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *«1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин. 2. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасининг амал қилиш муддати бошланиш санаси 2021 йил 01 июль этиб белгилансин.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**9. Жамият уставининг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.**
**Кун тартибидаги тўққизинчи масала кўриб чиқилмади.**

**10. Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Ижро органи тўғрисидаги Низом»нинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.**
**Кун тартибидаги ўнинчи масала кўриб чиқилмади.**

**11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.**
**(кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилган)**

| Ф.И.Ш. | Эгаллаган лавозими | Овозлар сони | |
|---|---|---|---|
| **Воитов Азиз Ботирович** | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо Вазирининг биринчи ўринбосари | **4 212 352 та овоз** | *сайланди* |
| **Рахимов Бахтиёр Абдиганиевич** | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо Вазирининг ўринбосари | **3 531 308 та овоз** | *сайланди* |
| **Мурадов Улуғбек Хашимджанович** | Экспортни рағбатлантириш агентлиги директорининг ўринбосари | **3 531 308 та овоз** | *сайланди* |
| **Маликов Сардор Ёлкинович** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Котибиятининг бош мутахассиси | **3 531 308 та овоз** | *сайланди* |
| **Хашимов Абдулла Шукуруллаевич** | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Транспорт коридорлари ва логистикани ривожлантириш бошқармаси бошлиғи | **3 531 308 та овоз** | *сайланди* |
| **Қурбонов Шахзоджон Қурбон ўғли** | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Экспорт салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи | **3 531 308 та овоз** | *сайланди* |
| **Қурбонов Ферузбек Валижонович** | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Халқаро хуқуқий ёрдам бўлими бошлиғи | **3 531 308 та овоз** | *сайланди* |

**12. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.**
**Овозга қўйилган масала:** *««Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда жамият акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин: 1. Джакупов Марат Рахматуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини баҳолаш ва тендер савдоларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи; 2. Абидов Улуғбек Хасанович – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ишлар бошқармаси бошлиғи; 3. Турсунов Улуғбек Шералиевич – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи.»*
**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**13. Жамият ижро органи (Бошқарув раиси ва аъзоларини) тайинлаш тўғрисида.**

**<u>Овозга қўйилган масала:</u>** *«1.«Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Бошқарув раиси Саидхонов Отабек Муродбекович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 1 йилга ва/ёки 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар узайтирилсин. 2. Жамият Бошқаруви аъзолари қуйидаги таркибда 2021 йилнинг 01 июль санасидан 1 йилга ва/ёки 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача тайинлансин: • Обидов Мирзохид Мираъло ўғли - «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ техник директори; • Кудратов Санжар Ропижонович - «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ кўргазма мажмуаси директори; • Мутолибхонов Саидахёрхон Саидолимхон ўғли - «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ молия ва режалаштириш бўлими бошлиғи; • Шаисмаилов Шомурод Рамзиддинович - «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ кўргазмалар ва кўргазма хизмати бўлими бошлиғи. 3. Бошқарув раиси билан «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Кузатув кенгаши раиси А.Б.Воитов зиммасига юклатилсин. 4. Бошқарув аъзолари билан «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Бошқарув раиси зиммасига юклатилсин.»*

**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**14. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш тўғрисида.**

**<u>Овозга қўйилган масала:</u>** *«1. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ Бошқаруви томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг аффиланган шахслари билан амалга ошириладиган қуйидаги битимлар Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида эътироф этилсин: кўргазма фаолияти учун хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар, ижара шартномалари, тадбир ўтказиш билан боғлиқ хизматлар юзасидан шартномалар, транспорт хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар, коммунал хизмат шартномалари. 2. «Ўзэкспомарказ» МКК» АЖ томонидан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда аффилланган шахслар билан тузиши мумкин бўлган битимлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.»*

**ЁҚЛАЙМАН – 3 531 308 та овоз, 97,32%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 97 292 та овоз, 2,68%.**

**15. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2021 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.**

**<u>Овозга қўйилган масала:</u>** *«2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажарилиши бўйича «FTF – LEA – AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори 51 750 000,00 сўм (ҚҚС билан) этиб белгилансин.»*

**ЁҚЛАЙМАН – 3 628 600 та овоз, 100%, қабул қилинди; ҚАРШИ – 0 та овоз, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**<u>Овозга қўйилган масала:</u>** *«2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажарилиши бўйича «EXPERT – AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори 49 220 000,00 сўм (ҚҚС билан) этиб белгилансин.»*

**ЁҚЛАЙМАН – 97 292 та овоз, 2,68%; ҚАРШИ – 3 531 308 та овоз, 97,32%, қабул қилинмади, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**

**<u>Овозга қўйилган масала:</u>** *«2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажарилиши бўйича «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖ*

*аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори 30 000 000,00 сўм (ҚҚС билан) этиб белгилансин.»*

**ЁҚЛАЙМАН – 97 292 та овоз, 2,68%; ҚАРШИ – 3 531 308 та овоз, 97,32%, қабул қилинмади, БЕТАРАФ – 0 та овоз.**